ЎзССР Давлат китоб палатаси
Книжная палата

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 34 (8. 232) ◆ 1993 йил ◆ 23 февраль, сешанба ◆ Нархи 5 сўм

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Брайн Фоллни қабул қилди.

Ислом Каримов икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш давр талаби эканлигини алоҳида таъкидлади ва тез кунларда Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси очилишига умид билдирди. Зеро, вақт икки мамлакат компания ва фирмалари ўртасида таркиб топаётган алоқаларнинг умумий йўналишларини белгилаб бериш ҳамда тартибга солиш учун битим ва шартномалар имзоланишини қайта-қайта тақозо этмоқда.

Брайн Фолл Ислом Каримовга Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжорнинг самимий саломини топширди ва Буюк Британия ҳукумати Ўзбекистонда яқин кунларда элчихонасини очишга қарор қилганини айтди.

Суҳбат қизғин ва самимий руҳда ўтди.

(ЎзА).

Йўлдош Охунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикасида тикилаётган маҳсулотларга талаб ортиб бормоқда. Ўз ишига ижодий ёндошган хизматчилар бош кийимларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга жорий қилишга ҳаракат қилишмоқда.
СУРАТЛАРДА: [чапдан] ишчи Роза Содиқхўжаева корхонада ишлаб чиқарилган янги маҳсулотни намойиш қилмоқда; фабриканинг тажриба-синов цехининг андозловчилари Мавлуда Абдураҳмонова ва Мария Печушкиналар бош кийимлар янги нусхасини тайёрлашмоқда; тикув цехининг ишчиси Зуҳра Мусаназарова.

Рустам Шарипов суратлари.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Бухоро, Навоий ва Наманган вилоятлари фаолларининг йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» китоби ҳамда Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 12 февралдаги мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

● Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида «Тўйтепа» Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонаси ишга туширилди. Бу ерда бир сменада 3 минг дона эркаклар кўйлаги тикилмоқда.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Украина Бош вазири Леонид Кучма ўзаро иқтисодий ҳамкорлик қилиш юзасидан Қозоғистон Республикаси раҳбарияти билан музокаралар олиб борди. Олмаотада ҳар икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида қатор битимлар имзоланди. Бугун Леонид Кучма Қирғизистон пойтахти Бишкекка келади.

● Тоғли Қорабоғда Озарбайжон билан Арманистон ўртасидаги қуролли тўқнашувлар яна кескинлашиб кетди. Олинаётган хабарларга кўра Озарбайжоннинг қуролли кучлари ушбу минтақанинг шимолий қисмидан чекинмоқдалар. Озарбайжон Президенти Абулфаз Элчибей фармони билан мудофаа вазири алмаштирилганлигига ҳам ана шу тўқнашувлар пайтидаги муваффақиятсизликлар сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Янги мудофаа вазири Дадаш Ризаев жанговар генерал, Афғонистондаги жангларда қатнашган.

● Россия Украина табиий газ етказиб берилганлиги учун ўзининг 300 миллион доллардан кўпроқ қарзини тўламаса, бу мамлакатга ёнилғи етказиб беришни тўхтатишини билдирди. Ўз навбатида Украина Бош вазирининг ўринбосари Игорь Юхновский Россия ҳукуматининг энергия манбаларини жаҳон нархларида сотиш тўғрисидаги қарорига жавобан Украина ҳам ўз ҳудуди орқали нефть ва газ ўтиши, шунингдек, ҳаво ва темир йўл транспорти орқали юк ташилиши учун жаҳон нархлари белгилаши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди.

● Абхазия мудофаа вазирлиги 20 февралда Сухумидаги Грузия қўшинларига қарши ракета-бомба зарбаси берганлигини маълум қилди. Л-39 ҳарбий самолёти томонидан берилган бу зарба натижасида бир киши ҳалок бўлган. 8 киши жароҳатланган эди. Грузия томони бунгача ана шу зарбани Россия қўшинлари берган, деб тахмин қилаётган эди.

● Ахборот воситаларининг маълум қилишича, Тбилисида вазият кескинлашиб кетганлиги сабабли 1 мартдан мактабларда машғулотларни тўхтатиш мўлжалланмоқда.

● Молдовада иқтисодий танглик янада кучайди. Сут ва сут маҳсулотларининг нархи ошди. Ёнилғи йўқлиги сабабли йўловчилар транспорти баъзи йўналишларида ҳаракат тўхтатиб қўйилди. Анчагина корхона ишчи ва хизматчилари маош ололмаяптилар.

● Собиқ КПСС Марказий Комитетининг собиқ котиби Александр Яковлев 17 февралда «Правда» газетасида собиқ Давлат хавфсизлик комитетининг собиқ раиси В. Крючков томонидан уни жосусликда айбланишини текшириб кўришни қатъий талаб этди.

ХОРИЖДА

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти собиқ Югославияда фуқаролар уруши пайтида рўй берган жиноятларни текшириб чиқиш учун махсус халқаро ҳарбий трибунал ташкил этиш ниятида. Ана шундай халқаро ҳарбий трибунал бир марта — иккинчи жаҳон урушидан сўнг Германия ва Япония ҳарбий жиноятларини текшириш учун ташкил этилган эди.

● Бугун Буюк Британия Бош вазири Ж. Мейжорнинг Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи бошланди.

● Сўнгги ҳафталар давомида Анголада ҳукумат қўшинлари ва мухолифатчи УНИТА гуруҳи қуролли бўлинмалари ўртасидаги жангларда 15 минг нафардан кўпроқ киши ҳалок бўлди.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛЯПТИ

22 февраль куни Тошкентда «Хусусийлаштириш — иқтисодий ислоҳотнинг, ижтимоий бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим омили» мавзуида халқаро анжуман очилди.

Тақчиллик вужудга келтирган мураккаб шароитда босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтаётган Ўзбекистон учун жаҳоннинг илғор мамлакатлари тажрибаларига таяниш ғоят муҳимдир. Республикамиз пойтахтида тез-тез халқаро анжуманлар ўтказилаётганини Ўзбекистоннинг жаҳон тажрибаларига катта қизиқиш билан қараётганидан деб тушунмоқ жоиз. Ушбу семинарда дунёнинг ўндан зиёд мамлакатларидан иқтисодчи олимлар, мутахассислар, ишбилармонлар бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим босқичи бўлган хусусийлаштиришда мамлакатимиз қўйган илк қадамларни жаҳонда тўпланган бой тажриба билан солиштирадилар, бу борадаги синалган ишланмаларни амалга тадбиқ этиш учун тавсия қиладилар. Анжуманнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилаётгани жаҳонга юз очган Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият доирасида ҳамкорлик қилишга дадил киришаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б. Ҳамидов, БМТнинг Ўзбекистондаги резидент вакили Х. Малик, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия дорилфунуни ректори С. Саидқосимов, БМТнинг саноатни ривожлантириш ташкилоти вакили Ж. Вотс анжуман очилишида ана шулар ҳақида сўзладилар.

Семинар иштирокчилари амалий машғулотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раиси Ш. Ғофуровнинг мамлакатимизда хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари, қоидалари, муаммолари борасидаги, Торский, Оуэн, Руффот, Вунер каби мутахассисларнинг ерга давлат мулкчилиги шароитида деҳқончилик саноати мажмуида хусусийлаштиришни амалга ошириш ва бошқа мавзулардаги мулоҳазалари билан танишдилар.

Кун охирида Ўзбекистондаги вазирликлар, муассасалар, концернлар, уюшмалар, корпорациялар, бирлашмалар вакиллари ва чет эллик мутахассислар иштирокида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мунозара ўтказишди.

Халқаро анжуман яна тўрт кун давом этади. Унда хусусийлаштиришнинг жаҳон тажрибаси, давлатнинг хусусий тадбиркорликка муносабати, меҳнат жамоаларига ижтимоий кафолатлар, хорижий сармоядорларга Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя солишга шароитлар яратиш ва бошқа мавзулар муҳокама қилиниши кўзда тутилмоқда.

А. КАРИМОВ.
(ЎзА).

«ГАВҲАР» ТЕРМАСИ

ТОШКЕНТ чинни заводида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. Қувонарлиси шундаки, чиннисозлар харидоргир, янги-янги чинни буюмларни тайёрлаб чиқаришмоқда. Ўтган йилнинг ўзида ўнлаб янги турдаги маҳсулотлар савдо пештахталаридан ўрин олган эди. Улар сафига шу йилнинг бошидан «Лазокат» чинниси ва «Гавҳар» термалари ҳам қўшилди.

Чойнак, пиёла, лаган каби чинни буюмларга ўзгача гўзаллик, бағишлаётгани ҳамда ўз ичига ўн турдаги чинни идишларни олган «Гавҳар» термаси мутахассислар эътиборини ўзига тортмоқда.

Бу чинни маҳсулотларни Ўзбекистон халқ рассоми Ёқубжон Қорабоев ва рассом С. Айгазиевлар яратишди.

Чиннисозлар кейинги пайтларда харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни тобора кўпайтиришмоқда. Бозор иқтисодиётининг ҳар қандай қийинчилигини енгиб ўтиш учун амалга оширилаётган ишлар уларнинг ғайратига ғайрат қўшмоқда. Буни чинни буюмларнинг сифати ҳамда иш суръати кўрсатиб турибди.

Шунингдек, хорижий давлатлар билан алоқалар мустаҳкамланиб, шартномалар имзоланмоқда. АҚШ, Хитой ва Туркия давлатлари ҳамкорлик қилиш истагини билдиришмоқда.

Эргаш ТЕМИРОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Озод Ҳожиевич АСҚАРОВ Сергели туманининг ҳокими этиб тайинлансин, шу муносабат билан у Тошкент шаҳар Ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод этилсин.

Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Семён Тўхтаевич МАҚСУДОВ Сергели тумани ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Тошкент шаҳар Ҳокими
А. ФОЗИЛБЕКОВ.
1993 йил 23 февраль.

ҚЎШМА КОРХОНА

СИР ЭМАСКИ, ҳозир корхоналар учун хом ашё ҳамда эҳтиёт қисмлар таъминотида кескин узилишлар бўлиб турибди. Жумладан шаҳримиз корхоналарида ҳам энг керакли бўлган юк ортгич ускуналари ва электр юк ташувчи машиналарнинг эҳтиёт қисмлари жуда камёб бўлиб қолди.

Буни ўз вақтида тушунган «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва хизматчилари корхона ичида юк ортгич ускуналари ҳамда электр юк ташувчи машиналар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қарор қилишди. Уни амалга ошириш мақсадида бирлашма Болгариянинг «Хелиос» фирмаси билан қўшма корхона қуриш юзасидан шартнома тузишга киришди. Унга асосан болгариялик мутахассислар яқинда заводга келиб мавжуд имкониятларни ўрганадилар. Қўшма корхона пойтахтимизнинг бошқа бирлашма ва ташкилотлардаги машиналар учун ҳам эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаради.

Ғулом ЮСУПОВ.

ЗАВҚ УЛАШИБ

РАЙОНДА ўтказилаётган бирон-бир тадбир йўққи, унда мусиқа, куй ва қўшиқ янграмаса. Энг оддий бир йиғин бўлса ҳам бадиий ҳаваскорлар ва вокал-чолғу дасталари меҳнаткашлар хизматида бўлади. Бунда, албатта, кўпроқ эътибор корхона ва ташкилотларнинг дасталарига қаратилади.

Мавжуд маданият саройлари ва уйларининг ҳар бирида 8—10 турдан иборат машғулотлар ўтказилиб борилмоқда. Айниқса кейинги вақтда ўзбек тилини ўргатиш борасидаги ишларни айтиб ўтишни жоиз деб биламан. Тилни ўрганиб, тушуниб бораётган бошқа миллат вакиллари сўзсиз ўзбек маданиятига ҳам қизиқишмоқда. Ўзи корейс бўла туриб «Муножот»га, рус болалари «Андижон полкаси»га ўйнаганда барчанинг дили равшан тортади.

Ўз фаолиятини бошлаган Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг Маданият саройида кундан-кунга тадбирлар ўтказиш борасидаги ишлар ривожланмоқда.

В. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги В. Сивец номли Маданият саройида ва маҳаллалар ўртасидан ўрин олган «Замондош» маданият уйида олиб борилаётган ишлар барчага манзур бўлмоқда.

«Замондош» маданият уйининг директори Ойниса Аминова, айниқса, миллий урф-одатлар ва тил ўргатишга эътиборни қаратган. Шу маданият уйининг бадиий раҳбари Олимжон Шарипов раҳбарлигида бадиий ҳаваскорлар дастаси ҳур Ўзбекистонимизнинг Мустақиллик кунини нишонлаш мақсадида Мустақиллик майдонида катта концерт уюштирдилар. Янги йил арафасида кичкинтойлар учун фойдаланишга топширилган янги болалар боғчасининг очилишида ҳам шу маданият уйининг карнай-сурнайчи ва доирачилари ҳамда жажжи ҳаваскорлар ижросида куй-қўшиқлар янгради.

Бундан ташқари маҳаллалар чойхоналарида ҳам отахонлар билан ҳамкорликда «Оталар чойхонаси — кулгу кошонаси», «Маҳаллалар байрами», аёллар иштирокида эса «Хонадон соҳибалари», «Балли, келинлар» кўрик-танловлари ўтказилиб борилмоқда.

Умуман олганда, районимиздаги мактаблар ва маданият масканлари ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Яъни ёш йигит-қизлар дарсдан бўш вақтларида мавжуд маданият саройлари ва уйларида араб тили, бичиш-тикиш, моҳир қўллар, ўзбек тили, макраме, инглиз тили, гул солиш ва дурадгорлик тўгаракларида қатнашиб, бирбирлари билан дўст бўлибгина қолмай, энг нодир ҳунарларнинг эгалари бўлиб чиқадилар.

Назира ГАЙНУЛИНА,
Ҳамза район маданият ишлари бўлими мудираси.

** Ўзбекистон ва жаҳон*

ЎҚУВЧИЛАРИМИЗ АМЕРИКАДА ТАҲСИЛ КЎРИШАДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари халқ таълими халқаро алоқаларини ривожлантириш усуллари ҳам кенгайиб бормоқда. Бунга АҚШ ҳукуматининг «Эркинликни қўллаб-қувватлаш битими» дастури доирасида Америка мактабларидаги ўқишга Ўзбекистон ва Мустақил Давлат Ҳамдўстлигидаги бошқа мамлакатларнинг юқори синф ўқувчиларини ўқишга таклиф этиш тўғрисидаги қабул қилган қарори яққол мисол бўла олади.

— Ҳозирги пайтда Америкадаги АСПРЯЛ деб аталувчи тўртта ташкилотнинг вакиллари Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан биргаликда ўқувчиларни танлаб олишга киришди, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев. — Ўқувчиларнинг бундай танлаб олиниши шаҳримиздаги 101, 178, 102, 17, 91-мактабларда бўлиб ўтади. Ана шу мактабларнинг ҳар бири 15 тадан номзодни тақдим этади, кейин эса инглиз тили бўйича тест синови ўтказилади. Сўнгра анкеталар ва тест якунлари АҚШга юборилади. Бу ерда юқорида айтиб ўтилган Америкадаги тўртта ташкилотнинг мустақил комиссияси кимларнинг Америкага бориб ўқиши кераклигини аниқлайди. Шу йилнинг апрель ойидаёқ АҚШда таҳсил олиш бахтига муяссар бўлганлар номи аниқланади.

Танловдан ўтган мактаб ўқувчилари 1993 йил августидан 1994 йил июлига қадар Америкадаги мактабларда ўқийдилар ва америкаликларнинг оилаларида истиқомат қиладилар. Уларга стипендиялар «Эркинликни қўллаб-қувватлаш битими» маблағларидан тўланади. Ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам пул сарфлашмайди. Америкага бориш ва у ердан қайтиб келиш учун самолёт чипталари ҳам Америка ҳисобига бўлади.

Саид БОТИРОВ.

ШОИР ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

ҲОЗИР кўпгина ижод масканларида, ўқув юртлари ҳамда илмий муассасаларда буюк аллома ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги кенг нишонланмоқда. Жумладан, куни кеча шаҳримиздаги 138-ўрта мактабда ҳам Бобур таваллудига бағишланган театрлаштирилган бадиий кеча бўлиб ўтди. Тадбирни асосан мактабнинг 10-синфлар ўқувчилари тайёрлаган бўлиб, унда тарихимизнинг ёш ихлосмандлари Бобур ҳаётидан лавҳалар, шу номли видеофильмдан парчалар ижро этдилар.

Кечада болалар Бобур рубоийлари, ғазалларини ихлос билан ўқидилар, ғазаллар асосида ёзилган мумтоз қўшиқларни маҳорат билан куйладилар. Кеча ҳамма йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди.

Бахтиёр КАРИМОВ.

УНИВЕРСИТЕТ НЕГИЗИДА

БУГУНГИ кунда Тошкент халқаро иқтисодиёт ва дипломатия университети республикамиздаги муайян вазирликлар ва идоралари билан ҳам мустаҳкам алоқаларни йўлга қўймоқда. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги билан ўзаро келишилган ҳолда ҳам қатор тадбирлар белгиланди.

Олий ўқув юрти вазирлик ходимлари учун дипломатик мавзуларда машғулотлар олиб борувчи махсус курсни очишни ҳам режалаштирди. Университет негизида фаолият кўрсатадиган ушбу сабоқ мактаби турли мутасадди муассасаларнинг юқори бўғин ходимлари учун ҳам билим ва маҳорат ўчоғи вазифасини ўтайди. Машғулотларни олиб бориш учун кўзга кўринган мутахассис олимлар жалб этилади.

Саодат ОДИЛОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ
С. А. ХЎЖАЕВАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Санобар Аҳроловна Хўжаева бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 22 февраль.

** Янгиликдан хабарингиз борми?*

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО МУСОБАҚА

БИР неча йил муқаддам, аниқроғи, 1991 йилнинг декабрь ойида Тошкентдаги «Алпомиш» спорт саройида ёшлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтганди. Ҳамдўстлик давлатларидан ташқари Польша, Швеция, Румыния, Мўғулистон спортчилари иштирок этган мазкур мусобақаларда ўзбекистонлик боксчилар ҳам муваффақиятли иштирок этишганди.

Бинобарин, ўзбек бокс мактаби азалдан Руфат Рисқиев, Владимир Шин, Ботир Ниёзов, Феликс Пак, Абдулла Қодирохунов каби чарм қўлқоп усталари билан фахрланиб келади. Бугунги кунда эса уларнинг йўлини Григорьян, Китобов, Султонов каби ёшлар давом эттирмоқдалар. Ўзбекистон терма жамоасининг қатор хорижий давлатлар, жумладан, Туркия, Хитой, Кореяда ўтказилган мусобақаларда қатнашиб 6 та олтин, 3 та кумуш, 5 та бронза медали соҳиби бўлганлиги юртимизнинг истеъдодли ёшларга бой эканлигининг яна бир исботидир.

Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган бокс усталари мураббийлари, фахрийлари йиғилишида иштирок этганлар юртбошининг Тошкентда Президент кубоги учун халқаро бокс мусобақасини ўтказишга розилик билдирганлиги ҳақидаги хабарни қувонч билан кутиб олдилар.

Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт Давлат комитетининг маълумотига қараганда, мазкур мусобақани октябрь ойида ўтказиш режалаштирилмоқда. Ҳозирданоқ тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган Президент кубоги учун баҳсларда Германия, Туркия, Хитой, Афғонистон, Корея спортчиларининг ҳам иштирок этиши кутилмоқда.

Шуҳрат ЗОКИРОВ.

«ПАХТАКОР» ФАЛОКАТИ: ХУШОМАД ҚУРБОНЛАРИ

«Останкино» телерадиокомпаниясининг ўтган якшанба куни намойиш этилган «Кремль деворлари ортидаги сирлар» кўрсатувида иштирок этган собиқ СССР прокуратураси махсус ишлар бўйича собиқ катта терговчиси Алексей Калиниченконинг шаҳодат беришича, Ўзбекистон футболининг фахри саналган «Пахтакор» командасининг ўйинчилари ва Тошкент-Минск йўналишида учаётган самолётдаги бошқа йўловчилар мустабид тузумнинг қурбони бўлган экан. Терговчининг айтишича, ўша замонда чексиз ҳокимиятга эга бўлган КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби Леонид Ильич Брежневнинг шахсий самолёти осмонга кўтарилган пайтда унинг йўлида учраши эҳтимол тутилган самолётлар (туридан қатъи назар) уриб туширилиши ёхуд учиш баландлигини ўзгартириши шарт эди. Бош котибга хушомад қилишга доимо шай турган ҳарбий-ҳаво кучлари генералларининг буйруғига биноан Тошкент-Минск йўналишида учаётган самолёт учиш баландлигини (11.100 метр) ўзгартиради, натижада 1979 йилнинг 11 августида 5000 метр баландликда учаётган бошқа самолёт билан тўқнашади. Миллионлаб мухлисларнинг қалбини ларзага солган машъум фалокат шу тарзда содир бўлган экан.

(ЎзА).

Республика ўқув комбинатида кўплаб касб эгаларининг малакалари оширилади. Утган 1992 йилда 600 нафар техник мутахассислар ўз малакасини оширди. Улардан бири Шаҳло Валиевадир.

СУРАТДА: Шаҳло Валиева мижози бюртмасини ўлчаб кўрмоқда.

У. Қўшвоқов сурати.

ҲАҚИҚАТНИ АЙТИШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИ?

Партиямизнинг раиси, республика Президенти Ислом Каримовнинг «Комсомольская правда» газетасининг мухбири билан суҳбати шу мақолани ёзишимга сабаб бўлди. Президентимиз бу суҳбатда мухолифиятнинг гапларини инобатга олиб, уларни республикамизда ўтказилаётган сиёсатнинг тўғрилигига ишонтириб, Узбекистонда амалга оширилаётган ўзгартишларнинг моҳиятини яна бир бор сабр-бардош ва далиллар билан тушунтириб беради.

Ислом Каримов республикада сиёсий кучлар мавқеини, уларнинг ўзаро мураккаб муносабатларини рўй-рост таҳлил қилади. Бу муносабатлар фақат Узбекистондаги ички вазият билан эмас, балки Узбекистондан олисдаги сиёсий кучларнинг муддаолари билан ҳам изоҳланади. Бир вақтлар республиканинг ўзидаги ва ундан ташқаридаги мухолифлар келтирилган далилларни билиб-билмасликка олар эдилар. Ҳозир ҳам баъзи бировлар кар ва сўқирлигича қолмоқда. Шу сабабли зикр этилган суҳбат самимий ҳурмат билан қабул қилинмоқда, унда далилларни тушунтиришга ва идрок этишга тайёрлик яққол кўриниб турибди. Бу — суҳбатни ўқигандан кейинги дастлабки таассурот.

Иккинчи таассурот эса суҳбатни республикамиздаги ҳаёт билан қиёслаганим сари кучайиб борди. Бу — Конституция ва Президент Узбекистонда адолатнинг мустаҳкам кафолати эканига ишонч туйғусидир. Шу сабабли ҳаётнинг ўзи ҳамма нарсани пухта жой-жойига қўймоқда.

Ҳозирги пайтда бузғунчи мухолифият «ноҳақ таққирланган ва таъқиб этилаётганлар»нинг эски ниқоби билан яширинишга уринмоқда. Ўз сиёсатидаги бўҳронни ҳокимият томонидан қилинаётган тазйиқнинг таъсири деб ишонтиришга уринмоқда.

Менимча, мухолифият сиёсий муваффақиятсизлигининг илдизлари чуқурроқ ва жиддийроқдир. Гап шундаки, мен «Бирлик» ҳаракати, унинг раҳбарлари ва фаолларини яхши биламан.

Мазкур ҳаракатнинг ривожини у ташкил топган пайтдан ҳозирги кунгача назардан ўтказиб, шуни айтиш мумкинки, республика мустақил деб эълон қилиниб, ҳаётнинг барча соҳаларида юксалиш сари ўз йўлини излай бошлаган яқин ўтмишда «Бирлик» сиёсий ҳалокат сари узил-кесил йўл олди. Эркинлик ва мустақиллик нури мухолифият раҳбарларининг ўтакетган шуҳратпарастлигини, ҳокимиятни қўлга олишни мўлжаллаб ҳаракат қилаётганини рўй-рост кўрсатиб қўйди. Мухолифият раҳбарлари юксалишнинг табиий қийинчиликларини бутун халқ билан биргаликда бартараф этиш, қонуний ҳокимият билан, бошқа жамоат ташкилотлари билан қўлни-қўлга бериб, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлларини излаш ўрнига, ҳокимиятга даъвогарлик қилдилар. Улар доимий курашга кўникиб қолиб, ҳукуматга қарши ҳаракатдан тўхтамадилар. Ўз халқини изчиллик билан ҳимоя қилиб, республика мустақиллиги учун, иқтисодиётимизни ва ғуруримизни тиклаш учун оғир кураш олиб бораётган (буни вақт кун сайин тобора кўпроқ исботламоқда) ҳукуматга қарши фаолиятни давом эттирдилар. Мухолифиятдаги бу жазаваси тутган кишилар ўз эҳтиросларига (шундаймикин?) берилиб кетиб, асосий нарсани сезмай қолишди. Халқимиз мустақиллик йўлидан анча илгарилаб кетди. Улар эса митингбозлик «майдончаси»да қолиб кетишди. Ётиб олишга ҳаракат қилишди, аммо яна бегона саробларга эргашиб, боши берк кўчага кириб қолишди.

Табиий равишда шундай савол туғилади: мухолифият деб аталмиш ҳаракат раҳбарлари кимларнинг манфаатларини ҳимоя қилмоқда ёки бўлмаса кимларнинг манфаатларини деб жазавага тушмоқда? Кимларнинг маблағи ва пули эвазига яшамоқда, ҳеч қаерда ишламай, ўзларига ҳамма нарса ҳозиру нозир бўлган турмушни таъминлаб, кимларнинг маблағи ва пули эвазига Узбекистондан жуда олисларга қайта-қайта сафар қилмоқда? Энг муҳими — бундай маънавий пасткашликнинг чегараси борми? Уларнинг журналистлар саволларига берган ҳар бир жавоби (республикадан ташқарида улар жуда кўп савол-жавоб қилишмоқда), ҳар бир фикри Узбекистонда амалга оширилаётган ҳар қандай ижобий ишга заҳар сочмоқда-ку, ахир!

Халқимизнинг анъанасига мувофиқ бемихтиёр савол бергинг келади киши: «улар қаерда туғилган, қайси заминда, кимнинг нон-тузини еб катта бўлган!»

Суҳбатни ўқир эканман, хаёлан жаноб Бейкерга бундай жавоб қилдим: ҳукумат узоқ вақт кўрибкўрмасликка олиб келди, ҳа, рўйхатга олинмаган ташкилотнинг қароргоҳи, катта миқдорда пули (шу пул туфайли «Бирлик» раҳбарияти орасида жанжаллар келиб чиқди) борлигидан кўз юмди. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот бузилишига ҳам бардош берди. Эндиликда «Бирлик» раҳбарлари тоталитаризмда айблаётган И. Каримов бир йилдан кўпроқ вақт буни юксалишнинг қийинчиликлари деб ҳисоблаб келди. Сабр-бардош билан, мухолифият ҳақиқат йўлига ўтиб олиши учун қайта-қайта имконият берди. Аммо мухолифият етакчилари ҳамма нарсани нотўғри талқин этиб, бузиб кўрсатиб, ҳар сафар ёрдамга чўзилган қўлни силтаб ташладилар. Уз ораларидаги оқил кишиларга ҳам қулоқ солмадилар. Сабр-бардош ва олижанобликни ожизлик деб билдилар. Ахир, бу Президентнинг, ҳукуматнинг мулоқотга интилиши, айниқса, «Бирлик»нинг оддий аъзоларига эътибори эмасмиди?

Бунга жавобан — тотувлик сари ҳаракат қилиш ўрнига «Миллий мажлис» тузилсин!» деб талаб қўйишди. Мухолифият ҳокимиятнинг олий идорасини Конституцияга зид органга айлантиришга ахд қилди. Уларнинг режаларига кўра, республика Олий Кенгаши қабул қилган қонунлар «Миллий мажлис» билан келишилмаса, кучга кирмас эди!

Ўзини ҳурмат қиладиган АҚШ конгресси ёки Франция парламенти ўз мамлакатида бундай аҳволга йўл қўя олармиди? Буни қайси давлатда ва ким давлат тўнтаришига уриниш эмас, деб айтиши мумкин?

Ана шулар ҳақида мулоҳаза қила туриб, собиқ сиёсий тузилмаларда бошқарув ва сиёсатнинг турли бўғинларида ишлаган чоғимда одамлар онгида большевикча, инқилобий мафкуранинг таъсири нақадар чуқурлигини тўғри англай олмаганимни сезаман. Сўл ва ўнг мухолифиятнинг фаолияти худди шуни кўрсатиб турибди.

Утмишдаги тажрибамизнинг энг ачинарли томони шундаки, қонунларга ҳурматсизлик ҳисси вужуд-вужудимизга сингдириб юборилган эди. «Инқилобий мақсадга мувофиқлик» қонундан ва маънавий меъёрлардан устун деб ўргатилди. Биздаги демократик мухолифиятнинг хонаки «ота»лари ўз усулларида «большевик»лар бўлиб чиқишди. Айни шу демократиянинг «оталари ва машъаллари» демократия ҳамда бозор сари инқилобий сакраш қондасини амалга оширра бошлашди. Ана шулар «баъзан қонунларнинг бузилишига парво қилмаслар, кейин яхши бўлиб кетади!» деб талаб қилишди.

Бу баҳоналар бизга нақадар таниш! Айни шундай истаклар билан Тожикистонда, Тоғли Қорабоғда, уруш алангаланиб турган бошқа минтақаларда бирдаркушлик дўзахига йўл очиб берилди. Демократиянинг муқаддас қондаси — қонуннинг устиворлигидан бундай «беозор» чекиниш 1917 йилда ҳам, 1937 йилда ҳам, 80-йиллардаги яқайта қуриш»да ҳам юз минглаб кишиларнинг ҳалок бўлишига олиб келди, ҳозир ҳам Узбекистондан ташқарида юз минглаб, миллионлаб кишилар нобуд бўлмоқда, ғам-ғуссага ботмоқда.

Сабр-бардошли доно халқимизга Россия талқинидаги коммунистик ғояларни тиқиштиришга уриндилар. Бу нималарга олиб келганини ҳар бир холис киши кўриб турибди. Бугун яна хориждан туриб бизга қандай яшашни ўргатишга — яна улар тўғри, деб ҳисоблаётган тарзда яшашни ўргатишга (уларнинг виждони борми ўзи?) уринмоқдалар. Ўзлари хоҳласалар-хоҳламасалар, яна «ким биз билан бўлмаса, у бизга қарши!» деган большевикча қондани тиқиштирмоқдалар. Бас қилинг, «жаноблар» ёки «ўртоқлар» ва бошқа «валинеъматлар»! Узингизни демократ деб ҳисобласангиз, сизлардан фикрларнинг ва демократия йўлларининг хилма-хиллигини ҳурмат қилишни, демократия тараққиётида ўзга тасаввурлар ва қарашларни, мезонларни ҳам ҳурмат қилишни сўраймиз.

«Бирлик» ҳаракатига келганда эса, унга раҳбарлари орқали энди республиканинг Олий суд ҳокимияти —Олий суд томонидан ўз хатоларини англаб олиш ҳамда демократия йўлидан уларга нисбатан анча илгарилаб кетган ўз халқига етиб олиш, айнан етиб олиш учун яна бир марта (нечанчи марта денг!) имконият берилди. Халқимиз мустақилликнинг моҳиятини теран тушуниб етди ва табиийки, боши берк кўчага кириб қолган мухолиф «демократия оталари»дан кўп марта донороқ бўлиб чиқди.

Х. АБДУРАИМОВ,
Узбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгашининг котиби.

ИЛОВА: Узбекистондаги сохта ҳуқуқ ҳимоячиларн таъқиб этилаётгани хусусидаги нолаларнинг аниқ манбаи мавжуд. У Узбекистон диёрида эмас. Бу манба Вашингтонда жойлашган бўлиб, Совет яҳудийларини ҳимоя қилувчи АҚШ яҳудийлар кенгашларининг бирлашмаси деб аталади. Улар ногаҳон бирлашиб олган эканлар, чамаси, у томоннинг ҳам, бу томоннинг ҳам иши яхши эмас. Аммо нима ҳам қилишарди — ўзларига эътиборни жалб этиш учун Ярим ойни Довуд юлдузига алмаштиришларн ҳам мумкин...

* *Район ҳокимлиги маҳкамасида*

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

СОБИР Раҳимов район ҳокимлигининг мажлислар залида район фаоллари билан республика Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар комитети вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни район ҳокими Қудратилла Рафиқов очиб, меҳмонларни йиғилганларга таништирди. Қизиқарли ўтган мазкур учрашувда Вазирлар маҳкамаси қошидаги диний ишлар комитети раисининг биринчи муовини Убайдулла Уватов маъруза қилди.

— Комитетимиз ташкил этилганига ўн ой ўтган бўлса-да, талайгина ишларни амалга оширди, — деди у. — Бундан тўрт йил олдин республикамизда 300 га яқин масжидлар мавжуд бўлса, эндиликда уларнинг сони 5000 га яқинлашиб қолди. Шунингдек, кўпгина диний мавзуларни қамраб олган адабиётлар чоп этилганлиги ҳам фикримиз далилидир. Илгари муборак Ҳаж сафарига йилига бор-йўғи 10 га яқин фуқаро бориб келган бўлса, биргина ўтган йили 4500 киши Ҳажга бориб зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлди.

Маърузачи йиғилганларнинг қизиқтирган саволларига жавоб берди.

Учрашув тугагач, район ташкилот ва муассаса раҳбарлари, маҳалла қўмиталари раислари, мактаб директорлари Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш, кўча ва боғларни ободонлаштириш ҳақида фикрлашиб олишди. Бу ишларни амалга оширишда шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг раиси Муҳаммаджон Зуфаров ўз ёрдамини аямаслиги ҳақида сўз берди.

— Барча қилинган ишлар, эришилган ютуқлар ўзимизники, ҳар бир хонадонни сув, газ билан таъминлашни янада яхшилашга ҳаракат қилишимиз лозим,— дейди Муҳаммаджон Зуфаров.

— Наврўз байрамига қадар ободонлаштиришга катта эътиборни қаратиш, йўлларни асфальтлаш, кўчат ўтқазиш ва ҳоказо ишларни амалга ошириш барчанинг диққат-марказида эканлиги, бу байрамда фақат сумалак, ҳалим улашиш эмас, етим-есирларга, ночор оналарга ёрдам бериш, халқимизнинг меҳрмурувватлилигини яна бир карра намойиш қилиш барчамизнинг иш режамиз бўлмоғи даркор, — деб қўшиб қўйди район ҳокими Қудратилла Рафиқов.

Фаолларнинг мазкур учрашувидан Собир Раҳимов район меҳнаткашлари халқимизнинг «Кенгашли тўй тарқамас» нақлига амал қилиб меҳнат қилаётгани, ҳар қандай катта-кичик муаммони бамаслаҳат ҳал этишга биргаликда киришаётганлиги сезилиб турди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.



Шаҳримиздаги «Садаф» фурнитура ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳозирги вақтда замонавий техникалар асосида кўплаб халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу ўринда 2-асбобсозлик цехи меҳнаткашларининг қилаётган иши жуда унумлидир.

СУРАТДА: шу цехнинг ишчиси М. Йўлдошев.

Андрей Пишненко сурати.

* *Тадбиркорликка нима етсин*

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

КУНИ кеча Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Сергели район кенгашида барчада катта таассурот қолдирган тадоир бўлиб ўтди. Бу тадбирнинг аҳамиятли томони шундаки, унда иштирок этган аёлларнинг ёшлари, соҳалари ҳар хил бўлса-да мақсадлари бир экани уларнинг дил сўзларидан аён бўлди.

— Бугунги учрашувимизни даставвал «Тадбиркор аёллар учрашуви» деб номламоқчи бўлдик, — дейди район кенгашининг биринчи котибаси Еқутхон Исҳоқова. — Яхшилаб ўйлаб кўрсак тадбиркор бўлмаган аёлнинг ўзи йўқ экан. Шунинг учун учрашувимизни, аниқроғи давра суҳбатимизни «Жамиятда аёлнинг тутган ўрни» деб атадик.

Шахсан ўзим, гоҳо ҳақиқатда аёллар уйда ўтириб бола-чақасига қараб юраверса нима бўларкин, деган ўйга толаман. Аммо биргина ўз районимизда меҳнат қилаётган аёлларни кўриб, йўқ, аёл ҳам бир шахсми, демак унинг ҳам жамиятда алоҳида тутган ўрни бор, деган хулосага келаман.

Мана, кейинги вақтда ХДПга аъзо бўлаётганларнинг кўпчилигини аёлларимиз ташкил этади. Уларнинг ҳар бирининг қалбидаги ҳозирги кун сиёсатига қизиқиш, вужудга келаётган муаммоларни ўз вақтида ва зудлик билан ҳал этишга шай туриш ҳислатлари мени беиҳтиёр мамнун этмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб етти нафар илғор ишчи аёлларимизга янги партияга аъзолик билетларини ҳамда яна 3 нафар аёлга район фахрий ёрлиқларини топширишга рухсат этгайсизлар.

Шундан сўнг давра суҳбати жонли фикрлар билан авжига чиқди. Дастлаб сўз бошлаб берган, давра меҳмони — шаҳар хотин-қизлар комитети раисининг ўринбосари Муборак Юнусхўжаева жумладан шундай деди:

— «Жамиятда аёлнинг тутган ўрни» деган сўзнинг ўзи ҳар қандай эркакни ҳам, аёлни ҳам бир сония ўйлантириб қўйиши табиий. Ва шунга яраша жавоб топиб уни ўзгаларга етказиш ҳам бир маҳорат ва санъат десам янглишмайман. Бозор иқтисодиёти шароитида бугунги кундаги аёлларимизнинг бир ташвиши ўнта бўлди. Буни санаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Лекин бир нарсани унутмаслигимиз керакки, ҳар бир оила кичкина бир жамият десам хато бўлмайди. Тўғри, баъзи аёлларимиз борки, улар аёл шаънига доғ туширишади. Шу ўринда Рабиндранат Тагорнинг қуйидаги сўзлари ёдимга тушди: «Жаҳонда кўп юрдим, кўпни кўрдим, аммо уйим ёнидаги шудрингни кўрмаган эканман». Дарҳақиқат, азиз опасингиллар, биз ҳам ўз ён-атрофимиздаги шудрингларга эътибор бериб иш юритмоғимиз лозим деб ўйлайман.

— Аёл қаерда бўлмасин, қайси ишда ишламасин ўзлигини унутмаса, демак жамиятда тутган ўрни бор эканлигига ишонч ҳосил қилса бўлади, — деб суҳбатни давом эттирди «Файз» ошхона мебеллари ишлаб чиқариш бирлашмасининг раҳбари Мукаррам Азимова. — Лекин шунда ҳам мўътабар она, суюкли ёр хонадоннинг файзи эканлигини унутмаслиги керак.

Кейинги вақтда ва мана ҳозир ҳам менга тадбиркор аёлларимиздан бири деб мурожаат этишади. Аммо мен ўзим билган тадбиркор аёллар даражасига ета олганим йўқ, деб ўйлайман. Ҳозирги шароитда оддий тадбиркор бўлишнинг ўзи ҳам қийин кечмоқда. Лекин истардимки, районимизда янада кўпроқ тадбиркорларнинг бўлгани яхши.

— Мукаррамхон, ҳақ гапни айтдингиз, — дея ўз фикрини баён этди 10-туғруқхонанинг бош врачи Муяссар Муҳаммадқулова. — Фарзандни дунёга келтириб, уни ҳар ерга ташлаб кетишни ўйлагандан кўра, унга яхши тарбия бера оладиган тадбиркор оналаримиз омон бўлсин дегим келади. Чунки оналик ҳуқуқи ҳам жуда юксак, шарафли ном. Демак, мана шу ҳуқуқни оқламоқликнинг ўзи онанинг жамиятда тутган ўрни десам янглишмайман.

— Ҳуқуқ ҳақида ўз фикрларингизни билдиринг. Энди мен ҳам мутахассис сифатида гапирмасам бўлмас, — деб сўз олди район судининг раиси Тожихон Шамшиева. — Яқингинада қабул қилинган мустақил Ўзбекистонимизнинг Конституциясида ҳам оила, оналик ва болалик борасида алоҳида боблар киритилганининг ўзи, яшаб турган жамиятимизда аёлларнинг алоҳида ўрни бор эканлигидан далолат беради. Мен бир нарсадан қувонаманки, район ва маҳаллалар хотин-қизлар комитетларининг яхши ва самарали иши туфайли ёш оилаларнинг ажралиб, турмушлари бузилиб кетишларга чек қўйилмоқда. Мисол учун 2-3 фарзандли оила ажралди ҳам дейлик. Энг аввало ўртадаги норасида гўдаклар қон қақшайди. Вояга етгунга қадар маъюс кўз, юраги ярим бўлиб катта бўлади. Ана шунда ҳам она яхши тарбия берса бергани, бўлмаса у ёғи ўзингизга маълум. Юқорида Муборакхон айтиб ўтдилар «Оила ҳам жамият» деб. Ҳақиқатан ҳам она оиладаги ўз ўрнини билсагина, жамиятнинг бошқа поғонасига ҳам қадам қўя олади.

— Ҳар гал мажлис бўлади деб чақиришганда, албатта ким сўзга, кимдир муҳокамага чиқади деб олдиндан тайёргарлик бўлар эди, — дейди 284-мактабнинг директори Нина Мкрдумян. — Бу галгиси бошқача тусда ўтмоқдаки, назаримда худди байрам кечасига ўхшайди. Бизнинг мактабда 138 нафар аёл ўқитувчи, атиги 12 нафар эркак педагоглар меҳнат қилишади. Миллатимиз ҳар хил бўлишидан қатъий назар баҳамжиҳатлик билан иш тутамиз. Шундан ҳам билса бўладики, аёл ишда ҳам, уйда ҳам ўзлигини англай билиши керак. Шундагина жамиятда тутган ўрнини англаб олган бўлади.

— Саховатли, ширинсўз, хушкайфият, саранжом, покиза, лобар... Бу сўзлар барча аёлларга хос сўзлардир, десам ҳам бўлади. Оиладаги юмуш ва бола-чақа ташвишидан ортиқ давлат идорасида, завод ва фабрикаларда ишлаётган аёлларнинг аксарият кўпчилигининг фарзанди турли фойдали юмушлар билан банд бўлади. Ишламай фақат бола тарбиясига ўзини бахшида этган аёлларнинг фарзандлари эса яхши ўқигани билан қўшимча ҳунарларни билмайди. Негаки, айрим оналар «Уйдаман, катта бўлсанг ўрганиб оласан» дея бағридан чиқаришга кўзи қиймайди. Гоҳо аксинча бўлиши мумкин. Лекин азиз оналар, болаларнинг келажаги учун ёшлигидан бош қотирмасангиз кейин кеч бўлади, — дейди «Янги ҳаёт» маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси Инобат Абдуманнопова.

Биринчи бор ўтказилган бундай ажойиб давра суҳбати анчагача давом этди. Барчанинг таклиф ва илтимосига кўра район аёлларининг очиқ давра суҳбати икки ойда бир марта ўтказиб туришга келишиб олинди.

Давра суҳбатида район ҳокими Жаҳонгир Мақсудов иштирок этди.

Гулзода АБДУЛЛА қизи,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

* *Меҳнат жамоаларида*

МУНОСИБ УЛУШ

БИЗНИНГ Тошкент тепловоз депомизда 2000 га яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Шуларнинг учдан бир қисми ёшлардир. Шу боисдан корхонамиз эришган барча ютуқларга ёшларимиз ўзларининг муносиб улушларини қўшиб келмоқдалар.

Ҳозирги қийин шароитда бизнинг темирйўлчилар олдида ҳам кўпдан-кўп муаммолар туғилмоқда. Собиқ Иттифоқ республикаларининг тарқалиб кетиши сабабли темир йўл тармоқларида халқ хўжалиги юкларини ташиб келиш кескин камайиб кетди. Ёқилғи, эҳтиёт қисмлар нархи кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу эса тепловозларни ўз вақтида тез ва соз таъмирдан чиқаришимизга ҳалал бераётир. Мана шу қийинчиликларга қарамай депо ёшлари ўзларининг бор куч ва ғайратларини ишга солиб, муаммоларни енгишга ҳаракат қилмоқдалар. Қўпчилик ёшларимиз ўзларининг меҳнат фаолиятидан бўш вақтларида жамоат ташкилотлари ишларида ҳам бошқаларга ўрнак бўлишаяпти. Шу ўринда тепловоз машинистларидан Алижон Абдуназаров, Владимир Алиев, Евгений Торобинский, таъмирловчилардан Флюр Фазлиев, Игорь Малахов, Абдулла Йўлчиев, Виктор Шарипов, депо хизматчиларидан Таня Ризина, Валентина Сидолако, Ильдар Каримов ва бошқаларнинг номларини алоҳида тилга олиш мумкин.

Ёшларнинг меҳнат шароитлари ҳамда маданий ҳордиқларини тўғри йўлга қўйишда корхона бошланғич Ёшлар Иттифоқи ташкилоти ташаббус кўрсатмоқда. «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» шиори остида ёшларнинг яхши дам олишлари учун ўтган 1992 йилда бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Наврўз байрамини депода шод-хуррамлик билан ўтказдик. Ёшлар Иттифоқи қошида тузилган вокал-чолғу гуруҳимиз ўзларининг куй ва қўшиқлари билан байрам кўркига кўрк қўшишди. Галаба кунига бағишланган тантанали кечамизга Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ҳамда қўшни Афғонистонда ўз бурчини адо этиб қайтган 24 нафар йигитлар таклиф қилинди. Кеча охирида уларга Ёшлар Иттифоқи томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Ёшлар Иттифоқи комитети ташаббуси билан ўтган йили корхонамизда «Илғор машинистлар ва уларнинг ёрдамчилари куни» ўтказилди. Ушбу тантанада ишда кўрсатган меҳнат муваффақиятлари учун илғор Ёшлар Иттифоқи аъзоларига корхонамиз раҳбарияти, касаба уюшмаси ҳамда Ёшлар Иттифоқининг эсдалик совғалари ва Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Кўриб турибсизки, ҳозирги вақтда ташкилотимиз фақат ёшларимизнинг аъзолик бадалларидан тушган пул билан бирон-бир ишни амалга ошириши қийин бўлиб қолди. Биз ташкилотимизни бойитиш борасида изланишлар олиб бормоқдамиз. Ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб, барча чора ва тадбирларни кўраётирмиз. Бу борада амалда қилган ишимиздан бири корхона ҳудудидаги ва районимиз маҳалла ҳамда даҳаларида кераксиз бўлиб ётган темир парчаларидан 40 тоннасини йиғиб топширдик. Яқин кунлар ичида бунинг эвазига сармоямиз бойиши табиий ҳолдир.

Умуман олганда изланиш, имкониятга қараб баҳамжиҳат иш юритилса, аминманки барча ишлар кўнгилдагидек бўлади.

Акмал КАМОЛОВ,
Тошкент тепловоз депоси бошланғич ёшлар ташкилоти котиби.

Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлигн ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнаткашларн кейнигн вақтда бўш вақтларини ўзларининг севимли маданият саройларида ўтказишмоқда. Сарой атрофида кунда-кунора яхши тадбирлар ва тўй-томошалар ўтказилиб турибди.

СУРАТДА: саройининг ташқи кўриниши.

Андрей Пишненко сурати.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ УЧУН

ЯҚИНДА Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Сергели район комитетида навбатдаги IX ҳисобот-сайлов анжумани бўлиб ўтди. Делегатлар котиб томонидан ўтган вақт мобайнида қилинган ишлар ҳақидаги ҳисоботни, район ташкилотининг янги Низомини муҳокама қилдилар.

Анжуман Сергей Стешенкони район Ёшлар Иттифоқининг раиси этиб қайта сайлади. Биз ёшлар сардори билан суҳбатлашдик.

— Мени 1990 йили райком котиби этиб сайлаганларида ўз сайловчиларимга аввалambор районда хўжалик ҳисобидаги фаолиятни ривожлантиришга ваъда бергандим. Шу вақт мобайнида ўн битта кичик корхона ва район ҳокимлиги қошида Ёшлар жамғармаси ташкил қилинди. Жамғарманинг асосий вазифаси — кам таъминланган, фарзандлари Афғонистон урушида ҳалок бўлган ва ёш оилаларга ёрдам беришдан иборатдир. Бизнинг бу ишимизда район ҳокимлиги, фаоллар ҳар томонлама ёрдам бермоқда.

Ёшларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида сарфланган харажатнинг бир қисми ҳам ҳокимлик томонидан ажратилаяпти. Бундан ташқари мактаб ўқувчилари билан ишлашга асосий диққат-эътиборимизни қаратганмиз. Деярли ҳар ҳафтада райондаги мактабларда ҳар хил тадбирлар уюштираяпмиз. Балки шунинг учун ҳам аъзоларимизнинг асосий қисмини мактаб ўқувчилари ташкил этади. Белгиланган режаларимизнинг кўп қисми тўлиқ амалга оширилгани йўқ. Эндиги мақсадимиз ана шу ишларни ҳар томонлама ривожлантиришдан иборатдир.

— Жамғарма фақат Ёшлар Иттифоқи аъзоларигагина моддий ёрдам берадими?

— Йўқ. Аксинча, районимизда ишлаб, ўқиб истиқомат қиладиган ҳар бир ёшга ёрдам қўлимизни чўзамиз, қайси ташкилот ёки қайси партияга аъзо бўлишидан қатъий назар.

Шайдо ХУДОЁРОВА.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ИЛОВАСИ № 23

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг саҳифаси

ЯНГИЛАНАЁТГАН КЎРГАЗМАЛАР

ШАҲРИМИЗНИНГ Сағбон кўчасида жойлашган табиат музейи узоқ йиллардан буён минглаб гўзаллик шайдоларини ўзига жалб этиб келаётган масканлардан ҳисобланади.

Гарчи кўплаб ходимлар иш ҳақининг озлигини рўкач қилиб бошқа соҳаларга ўтиб кетишни ихтиёр этаётган бўлсаларда, лекин ўз касбига меҳр қўйган қатор инсонлар борки бундай хатти-ҳаракатларни она-табиатга нисбатан бўлган хиёнат деб тушунадилар. Ана шундай фидойиларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида музейдаги кўргазмалар мунтазам равишда янгиланиб турибди.

Ўтган йили Наманган, Қашқадарё вилоятларида сафарда бўлиб аҳоли ўртасида табиатнинг муҳофазаси ҳақида суҳбатлар ўтказган, кинофильмлар намойиш этган жамоа вакиллари, энди Жиззах вилоятида жойлашган Айдаркўлга бориш, шу ерда учрайдиган нодир ҳайвон ва ўсимликлар ҳисобига музей кўргазмаларини бойитишни режалаштирмоқдалар.

Шуҳрат ЗОКИРОВ.

Кунн кеча Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети ва ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишда комитетининг 1992 йил ишн якунлари кўриб чиқилди. Яхши, ибратли ишлар ҳам, бажарилмай қолган юмушлар ҳам очиқ-ойдин айтилди. Йўл қўйилган камчиликлар хусусида муросасиз фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Чиндан ҳам, ўтган 1992 йил нимаси билан кўнгилга таскин берадию, нимаси билан юракда ранжиш ҳисларини уйғотади! Мухбиримиз Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг раиси Шоира Иброҳимовага бир нечта саволлар билан мурожаат қилди.

** Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетида*

ЯШАМОҚ УЧУН ЯРАТМОҚ КЕРАК

— Шоира Расуловна, суҳбатимиз жонажон шаҳримизнинг табиатини яхшилаш, уни сақлаш, асраш борасида бўлар экан, дастлаб, экологик аҳвол қандайлиги ҳақида сўзлаб ўтсангиз.

— Дунёда бир-бирига боғланмаган бирорта масала бўлмаса керак. Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги қатор муаммоларни ҳал этишда, сўзсиз, шаҳримизни экологик жиҳатдан соғломлаштиришни жиддий ўйламасдан иложимиз йўқ.

Бугунги кунимиз қандайлигини изоҳлаб, таърифлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Фан ва техника ютуқлари, саноат, аҳоли сонининг тўхтовсиз ўсиши жамият ва табиатнинг ўзаро муноасбатларини олдинги ўринларга чиқариб қўйди. Табиат муҳофазаси эса инсоният олдидаги вазифани кутаётган муҳим муаммо бўлиб қолди.

Экологик муаммолар йирик шаҳарларда, шу жумладан Тошкентда ҳам айниқса кескин бўлиб қолмоқда. Бу шаҳарлардаги қурилишларнинг юқори суръатларда олиб борилиши, саноат, қурилиш, автохўжалик корхоналари ишлаб чиқаришининг тобора юксалиши бу муаммони борган сари чуқурлаштирмоқда.

Ҳамма нарсанинг ўз ўрнида, ўз вақтида бўлгани яхши деймиз. Лекин шаҳарсозлик меъёрини бузиб, корхона, завод, фабрикаларни ўйламасдан шаҳар ичкарисига қуришнинг аламини бугун тортяпмиз. Кўпгина корхоналар санитария — ҳимоя зоналарига эга эмас, бунинг устига аҳоли зич яшайдиган районларга, сув иншоотлари зоналарига қурилган. Улар шаҳримизнинг экологиясига ўнгланмас зарар етказмоқда.

Сўзимга исбот талаб этгудек бўлсангиз, марҳамат: Тошкент ГРЭСи, аэропорт, мотор заводи, Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг синаш-учиш манзилгоҳи, «М» ҳудудидаги тозалаш иншоотлари шулар жумласидандир.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: бугун шаҳримиз ҳудуди 28 минг гектарга етди. Унда 2 миллион 200 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Шаҳарда 1500 та катта-кичик корхоналар кеча-кундуз ишлаб туради. Уларнинг 503 таси шаҳримиз экологиясига жиддий хавф туғдириб турибди.

Фақат 503 тагина экан деб енгил нафас олишингиз мумкин. Ҳозиргача 6000 кичик қўшма корхоналар ва фирмалар ҳам рўйхатга олинди. Уларнинг ярмига яқини қизғин фаолият кўрсатмоқда. 200 мингдан зиёд автотранспорт воситалари ҳам борлигини унутманг...

— Айтинг-чи, комитет экологик аҳволни сал бўлса ҳам яхшилашда ўз фаолиятида инмаларга эътибор бермоқда!

— Низомдан ва олдимизда турган вазифалардан келиб чиқсак, комитет ўз фаолиятида экологик интизомни сақлашга, ҳар турли қонунбузарликларга чек қўйишга, ифлослантирувчи манбаларни бартараф этишга, қайта қуриш, қайта техник жиҳозлашларга катта эътибор бериб келади. Шуннинг учун ҳам асосий ишимиз бўлган назорат қилиш билан бир қаторда экологии текширувлар, табиат муҳофазасига бағишланган тадбирлар ўтказяпмиз, энг янги илмий-техникавий тадқиқотларни ишлаб чиқаришга жорий этилиши учун жон куйдиряпмиз, экологик тарғиботга, ташвиқотга катта аҳамият бераяпмиз.

Агар рақамларга мурожаат этадиган бўлсак ўтган йили 1278 марта корхоналарда назорат-текширув ўтказдик. Турли кўринишлардаги қондабузарликларга йўл қўйгани учун 694 мансабдор шахсга жарима солинди, 47 рақбарга эса мукофотдан маҳрум этилиши хусусидаги маълумотнома берилди. Комитетимиз томонидан корхоналарнинг 66 цех ва участкалари — улар орасида авиация бирлашмасининг гальваника цехи, тўқимачилик комбинатининг қуюв цехи, «Файз» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Подъёмник», «Ўзбекхлопкомаш» бирлашмаларининг тегишли цехларн бор — қўпол қонунбузарликлари учун тўхтатиб қўйилди. Улар қаторида кўплаб номдор корхоналарнинг номлари борлиги кишини ташвишга солади, холос.

Айтсам ишонасизми-йўқми, ўтган йили чиқиндиларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёри ҳақидаги 81 жилддан иборат материалларни кўриб чиқдик. Уларнинг 62 таси яна бир бор кўриш учун қайтарилди. 3 таси эса қатъиян рад этилди. «Компрессор», чинни ва радиоэлектроника заводларининг кўзда тутган меъёрлари билан келишиб бўлмади.

Назоратимизда 505 табиатни муҳофаза қилиш тадбири бор эди. Унга 49 миллион сўм сарф этиш кўзда тутилганди. Биз эса 349 тадбир ўтказдик, 154 миллион сўм сарф этдик.

Экологик текширишга 129 лойиҳа келиб тушган бўлса, ундан 33 тасига розилик бердик. 59 таси ҳозир қайта кўриб чиқилмоқда. 14 таси эса табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига мос тушмагани учун рад этилди.

Энг охирги рақам: табиат муҳофазаси қонунчилигини бузган корхоналарга 1 миллион 92 минг сўмлик жарима белгиланди.

Рақамларни айтишга осон бўлса ҳам, аслида уларнинг замирида катта, машаққатли меҳнат борлигини эътироф этишни истардим.

— Шунчалар кўп меҳнат сарф этилгандан кейин табиат муҳофазасида олға силжишлар бўлаётгандир!

— Бу саволингизга ҳам «Ҳа», ҳам «Йўқ» деб жавоб берсам. Сабаби 1992 йилда 1991 йилга қараганда ҳавода азот қўшоксиди, азот оксиди, олтингугурт углероди, фенол, хлорли водород, аммиак концентратлари анча камайганини Тошкент об-ҳавони кузатиш маркази ҳам қайд этди. Лекин озон ва формальдегид миқдори ортиб кетди. Ҳавони чангдан, олтингугурт қўшоксиди, углерод оксиди, фторлашган водород билан ифлосланиши ўзгармасдан қолди. Бунга асосий сабаб — одамлардаги кечириб бўлмайдиган дарахдаги лоқайдлик деб биламан.

— Бу «касаллик» борган сари илдиз отиб кетяпти. Шоира Расуловна, юқорида тилга олинган ҳолатларни келтириб чиқарувчи манбалар борлиги ҳам аниқ...

— Албатта! Назоратимизда турган 35597 ифлослантирувчи манбалардан ўтган йили 25791 тасини (бу умумий ҳисобнинг 70 фоизини ташкил этади) кўздан кечирдик. Маълум бўлишича улардан 10 фоизи ёки 2930 таси чангдан тозалаш қурилмалари билан жиҳозланмаган экан! Бу ҳақда тегишли кўрсатмалар бердик. Ўтган йили янгидан 114 чанг тозаловчи қурилма ишга туширилди, 54 таси эса қайтадан тикланди. Шунинг ўзиёқ ҳавога чиқадиган зарарли ва заҳарли чиқиндиларни 940 тоннага камайтирди. Шу каби камчиликлар катта-катта корхоналарда мавжудлиги кишини қаттиқ ранжитади, холос.

Агар ҳавони тозалаш борасида суҳбатимизни давом эттирадиган бўлсак, ўтган йилда умумий миқдори 26 миллион сўмлик тадбирлар ўтказдик. Натижа ёмон бўлмади: ҳавога чиқаётган ифлослантирувчи моддалар 24,5 минг тоннага камайди. 1991 йилда бу кўрсаткич 33 минг тоннани ташкил этар эди.

Бизнинг яна бир ҳеч давосиз «дардимиз» — бу автотранспорт воситаларидир. Эътибор беринг: шаҳар бўйича 4931 газ билан юрадиган автомобиллар бор. Утган йили 160 автохўжалик ва автобазаларни, 7607 транспорт воситасини кўрикдан ўтказдик. Улардан 492 таси ҳайдашга яроқсизлиги учун умуман тўхтатилди. Агар ўтган йили транспортдан чиқадиган ис гази камайган бўлса ҳам, барибир, биз нафас олаётган ҳаво транспорт воситалари томонидан борган сари булғаниб бораяпти. Бунга сабаб эскирган машиналар умуман ҳисобдан чиқарилмаётгани, зарур эҳтиёт қисмлар йўқлиги, бензиннинг сифатн эса ниҳоятда пастлиги бўляпти.

1990 йилда шаҳар ижроия комитети қарори билан шаҳарга киравериишда 17 экологик нуқталар очилган, ижрочилар тайинланган, иш бошлаш муддатлари белгиланган эди. Лекин на ДАН, на «Автотеххизмат кўрсатиш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, на «Нефтмаҳсулотлари» ишлаб чиқариш бирлашмаси ушбу қарорнинг ижросини тезлаштириш борасида ҳеч қандай чоратадбирлар кўрмади.

ДАН ходимлари иштирокида вақти-вақти билан ўтказилаётган «Тоза ҳаво» тадбиримиз қисқа муддатли бўлгани учун ўз самарасини бермаяпти. Ушбу ишимиз бир тизимда доимий олиб борилиши қанчалар зарурлигини вақт кўрсатиб турибди. Шу сабаб экологик милиция тузиш тўғри бўларди деб ўйлайман.

— Шоира Расуловна, кўпгина ўтхоналар ҳалн ҳам қора мой (мазут) билан ишлар экан, шу ростми!

— Афсуски, рост. Битта мисол айтай. Бектемир районидаги «Сувсаноатэнергия» 2-ўтхонаси қора мойдан газга ўтказилмади. Қора мой ерни жуда ҳам ифлослантириб юборади. Ўтхонани беркитиб, муҳрлашга мажбур бўлдик. Бунақанги мисоллар шаҳримизда истаганингизча топилади.

— Шаҳримиздан оқиб ўтадиган анҳорларнинг экологик танг аҳволдалиги сир эмас. Кўрилган чора-тадбирлар ижобий самара бердими!

— Ҳозир шаҳардаги сув ҳавзаларининг кўпчилиги ер ости сувлари билан ифлосланишдан қутулди. Барибир, қанча бонг урмайлик, қанча тадбирлар ўтказмайлик, чоралар белгиламайлик, оқар сувларни оғир металлар, нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши ҳали ҳам давом этяпти. Айниқса, Қорасув каналининг ҳолига раҳми келади кишининг. Унинг сувлари таркибидаги хром ва нефть маҳсулотларининг миқдори 1,5 баравар кўпайиб кетган. Барчасига «Чкалов» метро бекатидан сизиб чиқаётган оқавалар «айбдор». Авиация бирлашмаси Қорасувнинг бу аҳволга тушишида «бош қаҳрамон» ролини ўйнамоқда. Агар бу йил шу масала ўзининг тегишли ижобий қарорини топмаса, каналнинг бутун биологик силсиласи ҳалок бўлади.

Салор каналидаги аҳвол кишига бироз, ҳа, фақат бироз, таскин беради. Умуман олиб қараганда бу ердаги аҳвол ҳам Қорасувдан кам фарқ қилади. Чунки Салорга аэрация станциясининг оқава сувлари келиб тушади. Агар канал канализация коллектори бўлса — у ҳозир аслида шундай бўлиб қолган — унга экологик талаб шунга яраша қатъий бўлиши керак. Афсуски, Салор эса ҳали ҳам тоза сувли каналлар қаторида турибди.

Шаҳар ҳудудида жойлашган 44 корхона ўзининг оқаваларини очиқ оқар сувларга ташлайди. 1992 йилда очиқ оқар сувларга йилига 10,23 миллион кубометр яхши тозаланмайдиган ва сал-пал тозаланган оқавалар ташланган.

Биз, албатта, қараб турганимиз йўқ. Чунки сув билан боғлиқ масалалар қомитетнинг алоҳида эътиборида туради. Корхоналар ўтган йили сувларни тоза сақлаш бобида 98 та йирик тадбирлар ўтказдилар. Буларга 140 миллион сўм ажратилди. Натижада йилига 1995,57 минг кубометр сувни тозалайдиган 15 та сувни қайта ишлаш тизими иш бошлади. 4 та сувни тозалайдиган иншоот қурилди, етти жойдаги Салор, Човли, Қорасув каналларини булғаётган нуқталар йўқотилди. Шундай қилиб «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси, кимё-доришунослик заводи, «Ўртоқ» қандолатчилик фабрикаси, кўприк ва темирбетон қурилмалар заводи ортиқ оқар сувларни ифлослантирмайдиган бўлди. Барибир «Средазэлектроаппарат» каби қудратли ўнлаб корхоналар борки, ҳали улар сувни тоза сақлаш масаласига тегишли эътибор бермаяптилар. «Сувсоз» трести ҳам канализация масаласини бу йил бирёқлик қилади деб ўйлаймиз.

Бизни яна Тошкент ҳайвонот боғи, Салор, Тошкент қоғоз фабрикаси (Қорасув)нинг чиқиндилари қаттиқ ташвишга солиб турибди.

— Кескинроқ чора-тадбирлар кўрилса бўладими бу масалада!

— Бўлади. Биз ўтказаётган тадбирларнинг барчаси айтарли кенг қамровли эмас. Дарров ўз самарасини берадиган, катта маблағни талаб қиладиган йирик тадбирлар режалаштирилмаяпти. Бу режалар шаҳар, республика миқёсида бўлмоғи керак. Кейин зарарли ва заҳарли чиқиндиларни қайта ишлаш заводлари, уларни кўмиб, йўқ қилиб юборадиган махсус полигон қуриш ишларига юксак суръат бериш керак. Фақатгина шаҳар қурилиши меъёрларини аниқ бажариш, шаҳарнинг бош режасига қатъий амал қилиш экологик ҳолатни яна ҳам чуқурлашишдан сақлаб қолиши мумкин.

Бугун табиий бойликлар — ер, сув, ҳаводан жуда бемалол, кераги-ча фойдаланяпмиз. Эртага бундай хўжасизлик нималарга олиб келиши мумкинлиги шундоқ ҳам аён бўлиб турибди.

— Яқинда тузилган экологик жамғарманинг аҳволи қалай! Ёки унда ҳам ҳал этилмаган муаммо борми!

— Жамғарма фондига 1992 йилда 4 миллион 800 минг сўм келиб тушди. Лекин жарима 1990 йилда белгиланган нархлар бўйича олинади. Масалан, «Ўзбекистон» деб номланган бирлашма азот қўшоксиднинг меъёрдан ташқари чиқарган 2 тоннаси учун йилига 88 сўм, 82 килограмм толуол учун 54 тийин, бирданига чиқарилган 8 килограмм аммиак учун 9 сўм 90 тийин тўлайди. Бу нарх корхонага чиндан чақканчалик таъсир этармикан? Шунинг учун ҳам мен Республика табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети тезроқ тўлов нархларини кўриб чиқиши тарафдорман.

— Шаҳарда экологик муаммолар кўп эканлиги суҳбатимиздан равшан бўлди. Келгуси режалар ҳам тузиб олингандир!

— Тузилган, албатта! Лекин миллионлаб одамлар бефарқ бўлиб тураверса, табиатни муҳофаза қилиш комитетининг эллик-олтмиш жонкуярининг куйиб-пишгани кутилган самарасини берармикан? Табиат ўз уйимиз экан, уни ахир севайлик, ардоқлайлик, бузилган ерларини тузатайлик. Яхши, қўркам, мусаффо табиат қўйнида яшашни хоҳлаймизми — уни ўзимиз асраб-авайлашимиз, яратишимиз керак.

Бошқа чора, бошқа йўл йўқ. Сўзимнинг охирида шундай демоқчиман. Мен одамлар дилидаги иймон, эътиқод, диёнатга ишонаман. Улар биз — табиат жонкуярлари билан ҳамкор бўладилар албатта. Бу — шу кунниинг талаби!

Суҳбатдош Темур УБАЙДУЛЛО.

Эриб кетиб қишнинг охирги қори,

Бизни ёз бўйи қилар хумори.

Андрей Пишненко сурати.

** Қатра*

ҲАДЕМАЙ ЎЛКАДА БАҲОР...

ҲАДЕМАЙ баҳор келади. Кунлар илийди. Қиш, бўйи униқиб ётган бойчечаклар, гул-гиёҳлар қуёш нурларида ўзларини тоблашади. Дов-дарахтларда .ҳудди мунчоқдек бўлиб куртаклар бўртади. Шаҳар ҳам баҳор нашъу намосига тўлади.

Юрагимни бир ўй чулғайди: бултур кетган қушлар баҳорда яна қайтармикин? Сувлар ҳеч бўлмаса шу йилда зилол бўлиб оқармикин? Кўм-кўк яшилликларга чулғанган шаҳримизга «хол» бўлиб узун-узун дудбуронлардан илондек қора, сариқ, оқ тутунлар ўрмаламасмикин? Йўллар четидаги ариқчаларда чанг-тўзон эмас, сув оқармикин?..

Баҳорни ҳамма кутаётгани табиий. Баҳор яхшига ҳам, ёмонга ҳам баравар. У келтирган қувончдан барча баҳраманд бўлиши мумкин. Лекин ана шу қувончни гўзал, кўзни қувнатадиган оройиш, озодалик билан кутиб оляпмизми? Ҳар йили ўн минглаб туп кўчат ўтказамиз. Ободончилик ойлигида саранжом-саришталикка интиламиз. Бундоқ ўйлаб қарасам, шу пайтгача экилган дарахтлар синмаса, сувсизликдан қуриб қолмаса, оёқ босишимизга жой қолмаган бўлиши керак эди. Лекин аҳвол бунинг аксича.

Юрагим увушиб, шундай дегим келади:

— Одамлар, азиз ҳамшаҳарлар! Тошкент бизники! Шу серқуёш, сержило, озод юрт бизники! Кўчатни ўз боғимизга, ўз кўчамизга экамиз. Ўзимизнинг жонажон шаҳримизни озода қиламиз! Келинглар, сепини, гулларини, яшиллигини олам узра сочадиган баҳорга биз ҳам муносиб пешвоз чиқайлик, ахир! У уюм-уюм ахлат, қоп-қора сув, қурумларга тўла ҳаво олдида юмюм йиғламасин, келганига пушаймон бўлмасин!

Ҳадемай баҳор келади...

Голиб МИРЗО.

** Ҳуқуқшунос шарҳи*

ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

МАЪЛУМКИ, 1992 йилнинг 9 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Табиат муҳофазаси тўғрисида» қонун қабул қилган эди. Ушбу жуда муҳим ва керакли қонун 1993 йилнинг 29 январидан бошлаб кучга кирди. Айнан шу муддатдан бошлаб 1958 йилда қабул қилинган қонунга амал қилиш бекор бўлди. Орадан ўтган 30 йилдан кўпроқ вақт мобайнида аввалги қонунлар асосида сезиларли ишлар амалга оширилди. Буни бугун эътироф этишимиз ўринли бўлади.

Республикамизнинг «Табиат муҳофазаси тўғрисида»ги қонуни атроф-муҳитни сақлаш, унинг бойликларидан тадбиркорона фойдаланишнинг ҳуқуқий, экологик ва ташкилий асосларини қарор топтиради. Бу эса бозор иқтисодиётига ўтаётган дамларимизда ғоятда муҳимдир. Янги қонун кўпгина масалаларга ойдинлик киритилгани билан айниқса диққатга сазовордир. Унда уч муҳим масала ўз ечимини топган: иқтисодий янгиланишлар шароитида инсон ва табиат ўртасидаги ҳисоб-китобли, узлуксиз ривожланишни бошқариш; экологик силсилани, табиий мажмуаларни ҳамда алоҳида объектларни муҳофаза қилиш; фуқароларга ажойиб табиат бағрида яшашга кафолат бериш. Кўриб турибсизки, учала масала ҳам бирдек аҳамиятли.

Қонунда табиатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлиги учун экологик ва ҳуқуқий жавобгарлик кўзда тутилган. Унинг 47-«Табиатни муҳофаза қилиш» моддасида қонунчиликнинг қандай бузилиши мумкинлиги батафсил келтирилади. Бундай қонунбузарликлар жиноий жавобгарликка олиб келиши мумкинлиги, маъмурий, интизомий ва қонундан келиб чиқадиган бошқа жавобгарликлар санаб ўтилади.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг бузилиши бу табиат ва жамият ўзаро ҳамкорлигидаги шундай ҳолатки, унда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилинмайди, бажарилмайди, ҳуқуқий чоралар қўлланилмайди ва табиий ҳолатни яхшилаш, бойликлардан оқилона фойдаланиш юзасидан белгиланган тадбирлар ўтказилмайди. Бу эса ўз навбатида таъқиқланган кўрсатмаларга амал қилмасликка, қонунбузарликка олиб келади.

Ушбу янги қонунга биноан ҳуқуқий режимни бузишда айбдор бўлган шахслар (албатта бу айбловнинг катта-кичиклигига қараб бўлади, масалан, радиактив ва заҳарли кимёвий моддаларни шаҳар ҳудуди ёки унга яқин жойда кўммаслик бандини бажармаса) Ўзбекистон Республикасининг 1959 йилда қабул қилинган жиноят кодексига биноан жавобгарликка тортилади.

Янги қонунда атроф-муҳитга зарар етказган объектларни чеклаб, тўхтатиб қўйиш каби тадбир-чоралар белгиланади. Бундай чораларни бажариш ҳуқуқи Республика табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ва унинг жойлардаги ташкилотларига берилади. Қонда бузишнинг турли йўналишлари, уларга бериладиган жазо, солинадиган жарималар қонунда батафсил ифода этилган. Агар лўнда ва қисқа қилиб айтсак ҳуқуқий жавобгарликнинг тўрт тури мавжудлигини кўрамиз: жиноий, интизомий, маъмурий ва моддий.

Хулоса қилиб айтсак Ўзбекистон Республикасининг бойлиги бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш, эҳтиёткорона муносабатда бўлиш жуда мураккаб ва серқиррадир. Уни эса нафақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви, балки халқимиз, республикамизнинг барча аҳолиси ҳал қилади.

Дарвин ВАКИЛЬЯНОВ,
ҳуқуқшунос.

** Текширишда аён бўлди*

БИРИНИ КЎРИБ КУЙМАЙЛИК...

ШУ йил январь ойида шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети томонидан 17 текшириш-назорат ишлари ўтказилди. Текширувда ҳаво ва сувни муҳофаза этиш, табиий бойликлардан фойдаланиш меъёрларига амал қилиш назарда тутилди. Назорат давомида 8537 ҳавога зарарли моддалар чиқарувчи манбалар, 98 чанг ва газ тозалаш қурилмалари кўздан синчиклаб кечирилди.

Табиатни муҳофаза қилиш комитети томонидан берилган кўрсатмаларга асосан шаҳримиздаги 7 корхона амал қилиб, бир ой мобайнида чанг ютқич қурилмаларини қайта созлашди. Бу — жуда яхши. Лекин текширишда кўрсатмаларимиздан бош тортиш ҳоллари ҳам учрадики, буни айтиб ўтмоқ жоиз.

Табиатни муҳофаза қилиш комитети инспекцияси томонидан «Ўзбекхлопкомаш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг 605-цехидаги электр тахтаси ва совуқ сув вентили муҳрлаб ташланди. Бундан кўзда тутилган мақсад гальваника участкадаги хромлаштириш жараёнини тўхтатиш эди, албатта. Лекин мазкур цех ходимлари кўрсатмаларга амал қилмай, муҳрни юлиб ташлашган, хромлаштиришни давом эттиришган. Айбдор деб топилган 7 киши устидан материаллар прокуратурага жўнатилди.

Худди шундай Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи бош муҳандиси ўринбосари ва қуюв цехи бошлиғи ўринбосари жарима тўлайдиган бўлди. Улар йўл қўйиш мумкин бўлган меъёрни қўпол равишда бузганлар.

«Файз» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳар сафар дакки эшитмай иложи йўқ. Ҳаво тортувчи қурилма ва циклонлар бир энлик чанг билан қопланганини бир кўрсангиз эди. Бу албатта, ишлаб чиқариш жараёнини бузади. Худди шундай Тошкент кислород заводи, «Мирсултон К» ишлаб чиқариштижорат фирмаси, «Монолит» хусусий корхонасида ҳам табиатни муҳофаза қилиш ишларига деярли амал қилинмаяпти. Ушбу корхоналарнинг тегишли бўлимлари ва цехларн тўхтатиб қўйилди.

Хўжалик ҳисобидаги 1-автокорхона ҳудудида нефть маҳсулотлари тўкилиб ётибди. Бу, айниқса, ГСМ омборида, таъмир зонасида, автомашиналарни ювиш жойида яққол кўриниб турибди. Ушбу масъулиятсизлиги учун комитетимиз кўрсатмаларини бажармаган автокорхона директори И. Исматуллаев, унинг ўринбосари; автоколонна бошлиғи огоҳлантирилди. Уларга бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар берилди.

Шундай кўнгилсизликларга ҳар сафарги текширувда Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам дуч келардик. Бу энди очиқдан-очиқ бепарволикдан бошқа нарса эмасди. Ниҳоят ушбу корхонада сувни қайта ишлаб берадиган қурилма ишга туширилди. Натижада Салор каналига оқава сувларини ташламаслик имкони туғилди. Худди шундай қурилма Асбобсозлик заводида ҳам тикланди. «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи ва бошқа корхоналарнинг бу каби ижобий ишларга эътибор жуда пастлигини таъкидлаш керак.

Табиатни севиш шаҳарни севиш, ватанни севиш демакдир. Ҳозир буни амалда исботлаш пайти келди. Буни унутиб қўймайлик.

Муборак ХОНХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети бўлими бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигига қарашли халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар республика маркази илгари халқ ижоди уйи деб номланарди. Бу марказ бугунги кунда ҳам «Маънавиятни тараққий эттирмай туриб иқтисодиётни ривожлантириш мумкин эмас», деган нақлга амал қилган ҳолда кўплаб ажойиб тадбирлар ташаббускори сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. «Алла» ижрочилари, бахшилар, «Марҳабо, истеъдодлар» кўрик танловлари шулар жумласидандир. Яқинда ушбу ташкилот жонкуярларининг янги бир ташаббус билан чиққанлигини эшитиб, бу ҳақда батафсил сўзлаб беришни илтимос қилиб, халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар республика маркази раҳбари ўринбосари Ўткир Тоҳировга мурожаат қилдик.

** Маънавий қадриятларимиз*

ҲАМКОРЛИККА АСОС СОЛИНДИ

— Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг тарихий учрашуви даврида ўзаро иқтисодий ҳамкорликдан ташқари, маданият ва санъат соҳаларида ҳам баҳамжиҳат ишлашга келишиб олинди. Бу эса биз — маданият ҳодимларини янги-янги ташаббуслар билан чиқишга илҳомлантирди.

Бизнинг марказимиз томонидан ўртага ташланган ижодий ҳамкорлик қилиш ҳақидаги таклиф Марказий Осиё давлатлари вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Яқинда ана шу беш республика вакиллари Тошкентга келдилар ва улар билан 1993 — 1997-йиллар давомида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги шартнома имзоланди. Хўш, унинг асосий моҳияти нимадан иборат?

Бу, аввало, ҳар йили халқ ижодиётига бағишланган «Чашма» анжуманини ўтказиш, биргаликда илмий экспедициялар уюштириш, тўпланган маълумотлар асосида махсус нашрлар, тўпламлар чиқариш, видеотасвирга тушириш, Марказий Осиё давлатларининг йиллик илмий амалий йиғинларини уюштириш демакдир.

Республикамиз миқёсида эса мухлисларга таниш ва севимли бўлиб қолган «Тўй маросимларида ижро этиладиган қўшиқлар» танлови, М. Турғунбоеванинг 80 йиллигига бағишлаб «Рақс-93» кўригини ўтказиш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари режаларимиз орасида Юнус Ражабий, Абдулазиз хожи Абдурасулов каби эл севган бастакорларимиз асарларининг энг яхши ижрочисини аниқлаш, ҳаваскор суратчилар кўргазмасини ташкил этиш ва 2-«Алла» ижрочиларининг анъанавий республика кўрик танловини уюштириш каби қатор тадбирлар ўрин олган.

Ўйлаймизки, улар унутилаёзган қадриятларимизни тиклаш, ҳамкорларимиз ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш ишларига муносиб ҳиссасини қўшади.

Фурсатдан фойдаланиб, бизни моддий жиҳатдан беминнат қўллаб-қувватлаб келаётган «Жамила» фирмаси ва унинг раҳбари Ҳуснобод Шерматовага катта миннатдорчилик билдирмоқчимиз.

Шуҳрат АРМОН
ёзиб олди.

Бектемир райони бўйича ўтказилган «Ўқитувчи—93» кўрик-танловида беш нафар ўқитувчи иштирок этди. Унда райондаги 291-мактабнинг жўғрофия ўқитувчиси Гулбаҳор Мираҳмедова биринчи ўринга лойиқ деб топилди. 290-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Венера Ким иккинчи ўринни, худди шу мактабнинг меҳнат ўқитувчиси Людмила Самедова эса учинчи ўринни эгаллашди. Ғолиб чиққан ўқитувчига Чортоқ санаторийсига йўлланма берилди. Бошқа ўқитувчилар эса қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

СУРАТЛАРДА: кўрик-танлов ғолиби Ғулбаҳор Мираҳмедова; беллашув қатнашчилари; мусобақага келган район ўқитувчилари.

Усмон Усмонов суратлари.

** Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

ҚОЗОНДА БОРИ ЧЎМИЧГА ЧИҚЯПТИМИ?

НАРХ-наво ошиб борган сари аҳолини ижтимоий ҳимоялаш дастурига ҳам эътибор кучаймоқда. Зероки, инсонийлик туйғуси мустақил Республикамизнинг раҳбарияти доимо диққат-эътиборида турган экан, ўз навбатида биз ҳам шунга яраша иш тутишимиз, садоқат билан ҳалол тер тўкиб, қозонда борини чўмичга чиқаришимиз лозим. Бу ошхона хизматчиларига ҳам тааллуқли албатта.

Келинг, ҳақиқатга кўчайлик. Турмуш шароитимиз бир қадар оғирлашган ҳозирги даврда қозонда бори чўмичга чиқяптими? Ҳаммамиз бирдек покдомонлик билан иш тутяпмизми? Яширишга ҳожат йўқ. Касални яширсанг, барибир иситмаси ошкор қилади. Шу мақсадда шаҳримиздаги баъзи ошхоналарга қилган сафаримиз давомида кўрган-кечирганларимизни очиқ баён этишга жазм қилдик.

Олдиндан бир гапни айтиб қўйишга тўғри келади. Кўпчилик ошхона мудирларидан, аҳвол қалай, деб сўрасангиз гапни шикоятдан бошлашади. Негаки, гўшт ва сут маҳсулотларининг нархи ошиб кетган. Хизматчиларнинг маоши кам. Таомларнинг «чақиб» оладиган баҳосидан ошхонага хўрандалар кам келармиш. Бироқ овқатнинг сифати ҳақида гап йўқ. Ҳалоллик тўғрисида сўз йўқ. Хизмат кўрсатишни имкон қадар яхшилаш хусусида лом-мим дейилмайди.

Бу ҳолда ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, нархи баланд деб нега «Чиғатой»даги қўлбола таомлару кабоблардан хўрандалар қочмаяпти? Нимага донғи чиққан, овқатлари сифатли бўлган Бўржардаги лағмонхонадан, «Қозоғистон» бекатидаги сомсахонадан, Марказий универсал дўкони рўпарасидаги гуммахонадан, Чорсудаги, Қўйлиқ бозоридаги, Сергелининг «Сирдарё»сидаги, қолаверса қоқ марказ Инқилоб хиёбонида жойлашган «Бурчак» жўжахонасидан хўрандалар қочмаяпти? Ахир бу жойларда тайёрланаётган таомлар нархи ҳам арзон эмас. Лекин сифати яхши. Ошпазлар қозонда борини чўмичга чиқаришга ҳаракат қилишади. Савдо ҳам шунга яраша. Ошпаз ҳам, хўранда ҳам хурсанд.

Сафар чоғида яна бир муаммо кўзга чалинди. Бу — бир хил қозонда бир хил масаллиқлар солинган таомларнинг сифати турличалиги масаласидир. Узоққа бормай Карл Маркс кўчасида жойлашган таомхоналар растасини олайлик. Бу ердаги ошхоналарнинг барчасида палов дамланади. Қозонларнинг катта-кичиклигида ҳам фарқ сезилмайди. Уларга гўшт, гуруч, сабзи-пиёздан тортиб ҳамма маҳсулотлар деярли бир хилда тушади. Нархлар орасида ҳам тафовут йўқ. Лекин тайёрланган ошнинг таъми турлича. Нега шунақа? Албатта бу ошпазнинг маҳоратига боғлиқ. Шундай экан нега ошпазлар бир-биридан ўрганишмайди, тажриба алмашишмайди. Бошқа таомхоналар хусусида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Яқинда Яккасарой райони ошхоналар трестига қарашли «Фе руза» қаҳвахонасининг қандолатчиси Аваз Зокировнинг Москва вилояти Тамбов шаҳрида бўлиб ўтган Ҳамдўстлик давлатлари қандолатчиларининг кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаганини эшитиб қанчалик қувондик. Ёш ҳамшаҳримизнинг Италияда бўладиган халқаро қандолатчилар кўрик-танловида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиши биз учун чинакам фахрланарли эмасми? Нега шунақа касб усталари маҳорати бошқа касбдошларга ўргатилмайди. Хуллас, ўйлаб кўрилса шаҳар ошхоналари ичида бунақа ечимталаб муаммолар талайгина.

Энди асосий мақсадга ўтайлик. Шу куни биз талабаларга хизмат кўрсатадиган иккита ошхонада бўлдик. Миробод районидаги 9-ошхонанинг Стародубцов кўчасида жойлашган қаҳвахонасининг кўпчилик мижозларини Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти талабалари ташкил этади. Шунинг учун бу ердаги таомлар нархи ҳам унчалик баланд эмас. Емакхонада турли овқатлар тайёрланади. Стол атрофини тўлдириб ўтирган ёшлар билан суҳбатлашдик.

— Ошхона сизларга қандай хизмат кўрсатяпти?

— Яхши, — дейишади улар бир овоздан.

— Таомлар сифатидан мамнунмисизлар?

— Айниқса лағмон, шўрва, бифштекс мазали тайёрланади бу ерда.

Кейин билсак улар юқорида номи тилга олинган институтнинг 4-курс талабалари М. Хидиров, Т. Давронов, С. Назаровлар экан.

Таомхона хизматига асосий баҳони доимий хўранда беради. Шунинг учун ҳам улар ва бошқа мижозларнинг ошпазлар хизматига берган шу каби илиқ фикрлари билан чегараланишни лозим топдик.

Аммо Акмал Икромов районидаги 6-ошхонанинг Уйғур кўчаси бикинида жойлашган жаҳон чет тиллари университетига хизмат кўрсатадиган таомхонасида (ишлаб чиқариш бошлиғи Саодат Насриддинова) ўзгача манзаранинг гувоҳи бўлдик. Эрталаб бўлишига қарамай ошхона талабалар билан гавжум. Навбатда турганлар тез-тез соатига қараб қўйишади. Буни тушуниш қийин эмас. Чунки улар машғулотларга шошилишяпти. Шундай экан ошхона хизматчилари талабаларга имкон қадар тезроқ хизмат кўрсатишга ҳаракат қилишлари керак. Айниқса ташқарида палов сотилаётган жойда навбат узундан-узоқ. Мижозларга фақат биттагина ошпаз хизмат қилмоқда. Навбатда турган йигитларнинг ҳасратидан «чанг» чиқади.

— Ҳар куни аҳвол шу, — дейди 5-курс талабаси Илҳом Бўриев. — Бу ерда фақат палов яхши бўлади. Шунинг учун ҳам унга навбат кўп. Лекин битта ошпаз шунча одамга хизмат кўрсатиши қийин. Ҳеч бўлмаса унга гўшт ва нонни майдалаб турадиган битта ёрдамчи керак.

Ичкарига кириб бир кишилик таом харид қилдик. Ҳисобчи 50 тийинга «янглишибди». Шунисига ҳам «шукр» қилиб, овқатлар сифатини кўздан кечирдик. Улар орасида чиндан ҳам хўрандалар талабига жавоб бермайдиганлари бор. Бу фикримизни талабаларнинг ўзлари ҳам тасдиқлашди.

— Ошдан бошқа таомлар сифатсиз, — дейишади стол атрофини тўлдириб ўтирган йигит ва қизлар.

Ошхона цехларидаги озодасизлик ҳолати ҳақида сўз юритмай қўя қолдик. Чунки барча ошпазлар бир овоздан «Айтилган камчиликларни тезда тузатамиз», дея жавоб беришди...

Шу районга қарашли «Қувонч» қаҳвахонасига бориб гўё ўзимизни бирон бир ресторанга кириб қолгандек ҳис этдик. Ҳар бири 40 ўринга мўлжалланган ёзги ва қишки заллар батартиб. Столлар устига ёзилган дастурхонлар озода. Зал бекалари бизни илиқ кутиб олишди.

— Марҳамат, ўтиринглар! Қанақа таом буюрасизлар?

— Бизга бош ошпазни чақириб берсангиз.

— Бажонидил.

Кўп ўтмай олдимизга бир киши келиб ўзини таништирди.

— Мен бош ошпаз Искандар Аҳадовман, хизмат.

У мақсадимизни эшитиб кулди.

— Бемалол текшираверинглар. Камчиликларимизни билиб қўйганимиз яхши.

Очиғини айтганда бу ерда баъзи жузъий нуқсонлардан ташқари ўзга камчиликлар тополмадик. Булар эса деярли тилга олишга арзимасди.

Бир қарашда Миробод районидаги «Мунис» қаҳвахонасининг (ошпаз-бригадири Ҳожиакбар Саидов) «Қувонч»дан фарқи йўқ. Бу жой ҳам тоза, озода. Хўрандалар ўтирадиган кенг зал тартибли. Лекин таомлар сифатида тафовут сезилади. Бунинг устига... бир коса ош билан яримта нон харид қилдик.

— Неча пул? —сўраймиз сотувчидан.

— 55 сўм.

Пулини тўлаб бўлгач таомномага кўз югуртирдик. Унда палованинг нархи 48 сўм қилиб белгиланганди. «Нега ортиқча пул олдингиз?» — деган саволимизга ошпаз: «Нонниг нархи ҳам борку» деган жавобни берди. Яримта нонниг баҳоси ҳисобласак уч ярим сўмни ташкил этар экан. Шундай қилиб ошпаз биздан 3 сўм 50 тийин уриб қолибди.

Иккинчи қаватга кўтарилиб миллий таомлардан харид қилаётганимизда ўша ошпаз йигит югуриб кириб сотувчига қандайдир ишоралар қилди. Хуллас бу ерда биздан (ҳисобдан янглишишибди шекилли) 81 сўм ўрнига 75 сўм пул олишибди Қаранг-а, ўз ҳисобига зарар қиладиган ошпазлар ҳам топилар экан.

Акмал Икромов райони Уйғур кўчасининг Оқтепа мавзесида жойлашган 1-ошхонага қарашли емакхонасида таомлар нархининг арзонлиги бизни ҳайратга солди. Палов—33 сўм, лағмон—32 сўм, кабоб—22 сўм.

— Хўрандаларга унчалик жабр бўлмасин деб шундай қиляпмиз, — дейди бизга тушунтириб емакхона мудири Набижон Каримов. — Ҳозир бизда гўштнинг нархи баланд. Айниқса у ошхоналарга қимматга тушяпти. Шунинг учун ҳам бошқа таомхоналарда овқатлар нархи бизникидан деярли икки баравар қиммат. Очиғи бунақа нархни ҳар бир хўранданинг чўнтаги кўтаравермайди. Биздаги таомлар нархи арзонлигига келсак бу асосан гўшт ҳисобига. Овқатга нормадагидан камроқ гўшт соламиз. Лекин сифати ёмон эмас.

Ўзгалар учун ҳам ўйлаб кўришга арзигулик тажриба бу. Балки ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида, нарх-наво осмонга сакраб турганда, майли-да, бироз бўлсада хўрандага қулайлик туғдиришнинг шу йўли афзалдир. Лекин бу усул қозонда борини чўмичга чиқаришни талаб этади. Акс ҳолда арзоннинг шўрваси татимай қолиши ҳеч гап эмас.

Хулоса шуки, шаҳримизда намунали ошхоналар, ўз ишига масъулият ҳисси билан ёндошаётган ошпазлар кўп. Лекин гуруч курмаксиз бўлмас экан-да. Мана шу курмаклар кўпинча яхшилар юзига лой чаплаб, хўрандаларни ранжитяпти.

Шарифжон ТОЛИПОВ,
Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология станцияси ходими.
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми» газетасининг навбатдаги сони 25 февралда чиқади.

Муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

** Бола азиз...*

«ЎҒЛИМНИ НЕГА ҚУВЛАДИНГИЗ»

МАКТАБ ўқувчилари ёзги таътилга чиққан кунларнинг бирида уйимиздан бироз наридаги томорқага борсам не кўз билан кўрайки, қўшнимизнинг болалари полизда юришибди. Улар узоқдан мени кўрганлари заҳоти тумтарақай қочиб кетишди.

Қарасам, эндигина ҳосилга кирган бодрингу ҳали ранг кирмаган қулупнайларни оёқости қилиб ташлашибди. Азбаройи қилган меҳнатимга ачиниб кетдим. Қўлимдаги кетмонни чайлага қўйдим-да қўшнимникига йўл олдим. Улардан бирининг эшигини тақиллатдим. Онаси чиқди. У билан саломлашиб, бўлган воқеани айтдим.

— Ўғлимнинг кетидан қувлаган сизмидингиз. Ҳали кўрсатиб қўяман сизга боланинг ўтакасини ёришни. Ана, уйда нафаси оғзига тиқилиб ётибди. Ҳозир олиб чиқаман, нима қилсангиз қилинг.

Қўшнимнинг бундай муомаласидан ҳайрон қолдим. Қулупнайнинг ҳали хомлигини, бодрингни узишга икки-уч кун борлигини босиқлик билан тушунтирдим. Келишдан мақсад болаларга бироз танбеҳ бериб қўймоқчи эканлигимни, бодринг билан қулупнайни пишса ўзим териб болалардан чиқазиб юборишимни айтдим. У бўлса «Қулупнайингиз бошингиздан ордона қолсин, олиб келманг. Тоғора-поғорангизни отиб юбораман» деб зарда билан эшикни ёпиб кетди.

Иккинчи қўшнимникига бордим. Отаси чиқди.

— Шу арзимаган уч-тўртта бодрингизни ўғлим узганига уйимизга келишингиз шартмиди ака, қисқаси, мана ўша бодрингнинг пули. Олинг-да, қайта меникига келманг, тушундингизми? — деди жаҳл билан. Бу ҳам етмагандай садақа ташлагандек кўкрагимга бир неча сўмликни отиб «Бу пулни олингда туёғингизни шиқиллатиб жўнаб қолинг», деб остонадан одамни ҳайдади. Карахт бўлиб туриб қолдим. Мен уларнинг уйига борганимга, меҳнатимни пайҳон қилишганига эмас, инсонлик қадримнинг бунчалик топталганига ачиндим. Пушаймон бўлдим. Фарзандларининг қилган тўғри-нотўғри ишига бефарқ ота-оналарнинг уларнинг келажаги ҳақида ўйламасликлари мени жуда афсуслантирди.

Боланинг қандай улғайиши биринчи навбатда биз ота-оналарга боғлиқ. Қуш уясида кўрганини қилади, деган нақл бор. Бола ҳеч қачон ёшлигидан кимнингдир машинасини олиб қочмайди. Негаки унинг оёғи педалга, қўли эса рулга етмайди. У девор ошиб кимнингдир хонадонига тушолмайди. Чунки бўйи бу девордан анча паст. Ҳали ёшлигидан ўғриликнинг нима эканлигини ҳам билмайди. Нима бўлса уйидан, ота-онасидан, уларнинг табиатидан ўрганади.

Ота-она ҳар доим фарзандига ўрнак бўлиши керак. Турмушдаги ҳар қандай эгриликлар, кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олишга биринчи навбатда биз ота-оналар масъулмиз. Шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Маҳкам ҲАКИМОВ,
меҳнат фахрийси.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

СОТИЛАДИ

● 2 хонали, ҳовлиси 12 сотих, боғ, полизи ҳам бор, табиий газ ўтказилган хусусий уй сотилади. Ёнида қурилиш материаллари ҳам мавжуд уй қурилмоқда. Уйнинг манзили: Бектемир райони, Мухтор Авезов кўчаси 8-уй.

● Янги «Нива» автомашинаси ҳамда 1,5 тонна миқдорда алюминий сотилади. Телефон: 57-83-81.

А. АБДУРАҲМОНОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКУМИ

1993 йил техникумнинг кундузги ва сиртқи бўлимига кирувчилар учун 3 ойлик пуллик тайёрлов курсига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Дарслар ўзбек ва рус тилида, ишдан ажралмаган ҳолда математика, Ўзбекистон тарихи фанларидан олиб борилади. Курсга 9—11 синф ҳажмида маълумотли шахслар қабул қилинади.

Машғулотлар 1 МАРТДАН бошланади.

Маълумотлар олиш учун ушбу манзилга мурожаат қилинсин:

Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 26-уй, 5-хона (соат 15.00 дан 20.00 гача). **Телефонлар: 54-88-02, 54-87-61.**

«ЎЗМАИШИЙУЮШМА» РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ

Сиз фақат бизнинг ўқув-курс комбинатимиздагина қисқа муддат ичида қуйидаги ихтисослар бўйича олий малака эгаллаб чиқишингиз мумкин:

— аёлларнинг енгил кўйлакларини бичувчи,

— аёлларнинг устки кийимларини бичувчи,

— кўйлак ва шимларни бичиш ва тикиш бўйича бичиқчи,

— модельер-сартарош.

Сиз ўқиш жараёнида малакали мутахассислар ёрдамида, замонавий ускуналар билан жиҳозланган ўқув лабораторияларида илғор иш усулларини эгаллайсиз.

Биз Сизни 1993 йил **1 март куни соат 10 да қуйидаги манзилда кутамиз:** Чилонзор даҳаси, 5-мавзе, Қурилиш кўчаси, 5-уй (34-автобус; 6, 12-троллейбусларнинг «Тошсовет» кинотеатри» бекати).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 78-02-76, 78-02-72.

Тошкент шаҳридаги 37-АТС қурилиши бўйича олиб бориладиган ишлар бошланганлиги муносабати билан

ТОШКЕНТ АЛОҚА ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ ИЖАРАЧИ КОРХОНАСИ

иншоот қурилаётган даврга (2 йил), битим асосида ишлашга, шунингдек доимий ишга

ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

— камида 10000 сўмлик ўртача ойлик маош билан 3—6 разрядли **алоқа монтажчи-кабелчилари;**

— камида 10000 сўмлик ўртача ойлик маош билан 3—6 разрядли **алоқа монтажчи-қалайловчилари;**

— камида 10000 сўмлик ўртача ойлик маош билан **ер қазувчи-қувур ётқизувчилар;**

— камида 8000 сўмлик ўртача ойлик маош билан **«С, Д, Е» тоифали ҳайдовчи;**

— 7000 сўмлик ўртача ойлик маош билан **омбор ишчиси.**

Иншоот қурилиши тугаганда мукофот тўлаш назарда тутилади.

Корхона турар жойингизни шахсий мулк сифатида хусусийлаштириб олишда ёрдам беради, шунингдек, малакани ошириш билан боғлиқ сарф-харажатларни ҳам тўлайди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри — 99, Абдуллаев кўчаси, 1-уй (25, 28-трамвайларнинг «Болалар поликлиникаси» бекати). Телефонлар: 21-13-55, 21-00-77.

КОРХОНА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ОМБОРДАН АВТОСЕРВИС УЧУН

ҚУЙИДАГИ МАХСУС АВТОУСКУНАЛАРНИ СОТАДИ:

мувозанатлаш дастгоҳи;

шиналарни ўрнатиш ва бўшатиб олиш мосламаси;

ғилдиракларнинг жойлашувини ростловчи кўтаргичсиз стенд;

шиналарни таъмирлаш (вулканизациялаш) мосламаси;

энг аъло (супер) асбоб;

зарядлаш-қувватлантириш қурилмаси;

патронсиз электр парма (дрель);

гидравлик исканжа;

гидравлик усулда шиналарни ўрнатиш ва бўшатиб олиш мосламаси;

тўрт устунли кўтаргич;

икки устунли кўтаргич;

пайвандлаш аппарати.

Тўлов усули — турлича. Олдиндан 100 фоиз ҳақ тўланади. Тошкент шаҳридан буюртмачининг ўзи олиб кетади.

МУЛОҚОТ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 34-25-81, 34-66-44.

Манзилимиз: 700099, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 118-уй, 607-хона, «Шаҳристон» бекати (янги телеминора ёнида).



МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 33-29-70;
эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.

■ Нашр кўрсаткичи 64690 ■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 11.50. Буюртма Г—67 ■ 1 2 3 4 5 6